



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил  
20 январь  
ШАНБА  
№ 6  
(11.913)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

## Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига

Муҳтарам ватандошлар!  
Азиз дўстлар!

Ўзбекистон — бугунги кунда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳамжиҳатлик шариоатида аҳил-иноқ яшаб, меҳнат қилаётган кўп миллатли мамлакатдир.

Қадимий диёримизда асрлар давомида турли маданият ва цивилизациялар ёнма-ён яшаб келгани, бу эса бағрикенглик, тинчликпарварлик, саховат ва меҳр-оқибатлилик фазилатлари билан ажралиб турадиган халқимизнинг ўзига хос менталитети шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани шубҳасиз.

Бу нафақат ноёб ўзига хослик, балки аҳамияти ва моҳияти жиҳатидан ҳар биримиз учун бебаҳо бўлган гоят катта бойлиқдир. Бир томондан халқларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш учун, бошқа томондан — тарихан шаклланган қадимий миллий маданиятлар, санъат ва халқ ижодиёти, юз йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-

одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиши учун, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун очилаётган имкониятларнинг нечоғли юксак аҳамиятга эга эканини ҳам алоҳида таъкидлашимиз жоиз.

Инсонлар орасидаги ана шу ўзаро ҳурмат муҳити, улар қайси тилда сўзлашишидан қатъи назар, Ўзбекистон деб аталган умумий уйимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик ва осойишталикнинг энг муҳим асоси ва гарови бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир қарашда оддий туюладиган, аммо гоят теран ва муҳим бўлган бундай тушунча ва ҳақиқатлар тўғрисида гапирар эканмиз, Сиз, миллий маданият марказлари раҳбарлари ва фаолларининг халқимиз фаровонлиги, осмонимиз мусаффолиги, фарзандларимиз ва набираларимиз келажаги йўлида қилаётган том маъ-

нодаги олижаноб ва фидокорона меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин-тасаннолар айтсак арзийди.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Республика Байналмилал маданият маркази ўз фаолияти давомида мамлакатимизда муносабатлар ва фуқаролараро тотувлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги гоё ва ташаббуслар пайдо бўлаётган ҳақиқий дўстлик уйига айланди.

Сизларни Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги билан чин юракдан табриклашга ва барчангизга самимий миннатдорлик туйғулариини изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, мамлакатимизнинг бугунги ва келажаги учун гоят муҳим бўлган фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ислом ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти.



Баркамоллик сари интилаётган ёшлар онгу шуурида энг ёрқин из қолдирувчи устоз-мураббийнинг асосий маҳорати аввало ўз фанини ўқувчилар идрокига содда, аниқ, лўнда қилиб етказса олишдадир. Салкам чорак аср умрини ана шу эзгу мақ-

садга бағишлаган заҳматкаш инсон — Қибрай тумани халқ таълими бўлимига қарашли 4-умумтаълим мактаби тасвирий санъат, чизмачилик ва информатика ўқитувчиси Анвархўжа Бўрибеков ўзининг ёш авлод тарбияси йўлидаги самаралар

меҳнатлари учун Ватаннинг юксак мукофоти — «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди.

СУРАТДА:  
тажрибали ўқитувчи Анвархўжа Бўрибеков. Даврон АҲМАД олган сурат.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 15 йиллиги муносабати билан миллий-маданий марказларнинг бир гуруҳ фаолларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тотувлиқни янада мустаҳкамлашга, ёш авлодни ватанпарварлик, инсонпарварлик, мустақиллик гоғларига садоқат руҳида тарбиялашга, миллий-маданий марказлар фаолиятини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун куйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими**  
**Волков Петр Петрович** — Андижон вилояти Рус миллий-маданий маркази раиси, "Андижанская правда" газетаси муҳаррири  
**Эрметова Шарофат Джуроваевна** — Тошкент шаҳар "Ориёна" тожик миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Дўстлик" гуруҳининг катта муҳаррири

Миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантириш, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва қардошлиқни мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали хизмати ҳамда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун куйидагилар мукофотлансин:

**«Дўстлик» ордени билан**  
**Абдикаримов Алимжан Шауленович** — Қорақалпоғистон Республикаси Қозоқ миллий-маданий маркази аъзоси, Халқаро Оролни қўқариш жамғармаси Нукус филиалининг бош мутахассис-эксперти  
**Айхвальд Нина Ивановна** — Фарғона вилояти Немис миллий-маданий маркази раиси  
**Джанибеков Абдусалом** — Сирдарё вилояти Қирғиз миллий-маданий маркази раиси, Вилоят педагог ходимларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг кафедраси мудири  
**Ихсанов Равиль Ядгарович** — Қашқадарё вилояти Татар-бошқирд миллий-маданий маркази раиси, "Новости Кашкадары" газетасининг махсус муҳбири  
**Курбанов Оразмырат Режепович** — Республика Туркман миллий-маданий маркази раиси, "Хунарманд ва ҚОР" очик акциядорлик жамияти директори

**Михайлов Виктор Владимирович** — Республика Яхудиё миллий-маданий маркази раиси, "Санавита" масъулияти чекланган жамияти ходими  
**Новицкий Зиновий Богданович** — Республика "Славутин" Украин миллий-маданий маркази раисининг ўринбосари, Урмон ҳўжалиги ва манзарали боғдорчи-

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
Тошкент шаҳри, 2007 йил 19 январь.

лик илмий ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири  
**«Шўхрат» медаллари билан**  
**Гайбов Аскар Раджабович** — Сурхондарё вилояти Тожик миллий-маданий маркази раиси, Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар Кенгаши раиси

**Давлетова Саида Салиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Ахборот" дирекцияси журналист-муҳбири  
**Ни Лариса Петровна** — Наманган вилояти Корейс миллий-маданий маркази раиси, "Ника" хусусий фирмаси раҳбари

**Хасанов Ильшад Хасанович** — Тошкент шаҳар Бошқирд миллий-маданий маркази раиси, "Сув-лойиҳа" очик ҳиссадорлик жамияти етакчи муҳандиси

**И. ҚАРИМОВ.**  
Тошкент шаҳри, 2007 йил 19 январь.

## ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

28 ноябрь — 15 декабрь кунлари Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ўтган XV ёзги Осиё ўйинлари якунланган йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бўлди. Унда ўн бир олтин, ўн тўрттадан кумуш ва бронза, жами 39 медал жамғарган спортчиларимиз умумжамоа ҳисобида кучли еттиликдан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган "Осиё ўйинлари голиблари ва совриндорларини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони ва ушбу ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган Фармойишга биноан Осиё ўйинлари чемпионолари 5000, кумуш медал соҳиблари 3000 ва учинчи ўринни эгаллаган спортчилар 2000 АҚШ доллари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди.

Тошкентда XV ёзги Осиё ўйинлари голиблари ва совриндорларига ушбу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев топширди. Мамлакатимизда спортни

ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилган бўлиши алоҳида таъкидланди. Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида ҳар йили барча қўлайликларга эга юзлаб спорт иншоотлари барпо этилиб, замонавий талабларга мос даражада жиҳозланилаётган.

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатни дунёга таништиришда спортнинг аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, юртимизда кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва китъа чемпионолари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва Ўзбекистон замида тарбиялан-

ган спортчиларнинг йирик мусобақаларда қўлга киритаётган улкан ютуқлари самараси ўлароқ, Ватанимиз дунё ҳамжамияти томонидан спорт мамлакатини сифатида эътироф этилган.

XV ёзги Осиё ўйинларида Гузал Хўббиева, Баҳодир Султонов, Элош Расулов, Рустам Саидов, Вадим Меньков, София Каспулатова, Владимир Черненко, Руслан Наурузалиев, опа-сингил Севара ва Зарина Ганиева, Дилшод Мансуров ҳамда Артур Таймасов шохспунинг энг юқори погонасига кўтарилди.

Айтиш жоизки, Доҳадаги ўйинларда спортчиларимиз халқимизнинг спорт соҳасидаги юксак салоҳиятини яна бир бор яққол намойён этдилар. Ўзбекистон денгиз ва уммонлардан анча йироқда жойлашган. Лекин, спортчиларимиз очик ҳавзаларда ўтказилган академик эшак эшиш, байдарка ва каноэда эшак эшиш каби мусобақаларда уммонбўйи мамлакатлари ва-

(Давоми 4-бетда).



Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими ва «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармаси шаҳар бўлими «Болалар дунёси» марафонини ўтказди.

### «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» МАРАФОНИ

Унда 18 та мактабгача таълим муассасалари жамоалари юмшоқ ўйинчоқлар яшаш, дидактик ўйин, жисмоний тарбия йўналишлари бўйича беллашдилар.

Марафон якунига кўра, 13-мактабгача таълим муассасасига 1-ўрин берилди. 2- ва 3-ўрин 6-, 18-болалар боғчалари жамоаларига насиб этди. Фолибларга фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

### «Қамолот»

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими вазирасини бажарувчи Зиёвуддин Ниёзов қатнашди.

### ЁШЛАРНИНГ ИШИ КЎП

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Халқ таълими, Урта-махсус касб-хунар таълими бошқармалари, воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакиллари иштирок этган бу йиғилишда кенгашининг ўтган йилги фаолияти якунлари муҳокама қилинди, бу йилги иш режаси тасдиқланди ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, кенгаш ва бошланғич ташкилотларнинг воёга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги ишлари таҳлил этилди, ижтимоий хизмат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, коллжа ва лицейлардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ўқув-семинар ташкил этиш, вилоят ёшлари иштирокида «Ғоямиз — ҳимоямиз» туркум тадбирларини ўтказиш тақлифлари муҳокама қилинди.

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

Бош Қомусимизда инсонпарварлик тамойилларига оид бир қанча қоидалар ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодексининг 68-моддасига мувофиқ жиноят содир этган шахс амнистия акти асосида озод қилиниши белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 76-моддасида эса, ҳукм этилган шахс амнистия акти асосида асосий ва қўшимча жазолардан озод қилиниши ёхуд жазодан мuddатидан илгарти шартли равишда озод қилиниши ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши ифодаланган. Айнан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши тартиби Бош Қомусда белгилаб қўйилганлиги Конституциянинг асосини инсонпарварлик тамойиллари ташкил этганидан далолат беради.

Конституциянинг 93-моддаси 23-бандида амнистия хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатига кириши бевосита белгилаб қўйилган. Асосий қонуннинг 80-моддаси 10-бандида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мутлақ ваколатига қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

### Қарор Ва ижро

## ҲАМ ИМТИЁЗЛИ, ҲАМ МАҚСАДЛИ КРЕДИТ

шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари, шунингдек, кам таъминланган оилаларга мол сотиб олиб, ўз рўзгорларини тиклаш ва турмуш шароитларини яхшилаш имконини бермоқда

Республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига ҳадемай бир йил бўлади.

Вилоятимиз ҳудудида ушбу қарорнинг ижроси қандай кечмоқда? Халқ банкининг Куйичирик тумани филиали бошқарувчиси муовини Абдусамд Ербеков Президент қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида муҳбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Қилинаётган ишлар ҳақида гапирибдан аввал, Президент қарорининг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканигини яна бир бор таъкидлашни истардим. Аввало, ушбу қарор шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжалиқларида қорамол боқишни оммавий йўлга қўйиш ҳамда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириб, ички бозорни янада тўлдириш, энг муҳими эса, шу асосда оилалар даромадини ошириш учун кенг имкониятлар йўлини очиб берди.

(Давоми 2-бетда).

## МУАММОННИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

— Мен Оҳангарон шаҳрининг 5-даҳасидаги 5-уйда истиқомат қиламан, — дейди кекса онахон Зубайжад Умартоева. — Бу мавсумда иссиқлик бўлмади, шу боис қизимникида яшаб турибман...

Шу каби мурожаатларга изоҳ талаб қилиб мутасаддиларга учрашдик. — Шаҳар маркази 4 та кичик район, 3 та даҳадан иборат, — дейди шаҳар ҳокимлигининг қурилиш масалалари бўйича бош мутахассиси Руслан Раҳматулин. — Уларда 157 та кўп қаватли уйлар ижойлашган. Шаҳарга берилаётган газ миқдори етарли. Муаммо — юқори ва ўрта босимли иссиқлик қувурларининг носозлигида. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 23,6 километр масофадаги иссиқлик етказиб беришни марказий қувурлар фойдаланиш

муддатини 5-6 йил муқаддам ўтаб бўлган. Афсуски, шаҳардаги ижтимоий объектларни ва коммуникация тизимларини кузги-киши мавсумга ҳозирлаш бўйича белгиланган режага биноан 15 ўрнича 5,2 километр иссиқлик тармоқлари, 1 километр ўрнига 0,4 километр масофадаги марказий қувурлар жорий таъмирланди, холос. Марказий иситиш қозонхонаси ҳамда кичик қозонхоналар аҳоли бўйича ҳам шу фикрнинг айтиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ

тига кириши белгилаб қўйилган. Конституциянинг мазкур моддаларига асосан 2006 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг биринчи бандига мувофиқ ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркеклар ҳамда чет эл фуқарolari жазодан озод қилиниши белгилаб қўйилди.


Қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ҳисобланади. Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида юз берган, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазо назарда тутилган жиноятлар кирради.

Қасдан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар оғир тоифадаги жиноятлар саналади. Қасдан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар ўта оғир тоифадаги жиноятлардир.

Қарорнинг иккинчи бандига эҳтиётсизлик оқибатида содир этган, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта ҳукм қилинган шахсларнинг жазодан озод қилиниши белгиланди. Учинчи бандига мувофиқ мазкур амнистия акти кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўқсинлик қиладиغان оғир касалликка чалинган ёки I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар жазодан озод этиладиган бўлди. Бирок, ушбу банд жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирishi жиноятини содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

**М. ҲАЙИТБОЕВ,**  
**Т. ИСОҚОВ,**  
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари.

Тўртинчи банд асосида (Давоми. Боши 1-бетда).




— Ҳаммаси маблағга бериб такалади, — дея изоҳ беради Р. Раҳматулин. — Вилоят бюджетидан манзилли дастур асосида белгиланган 149 миллион сўм ажратилди. Лекин бу билан кифояланиб қолингана.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Қарор ва ижро

Иккинчидан, қишлоқ жойларида аҳолини зотдор, сермахсул моллар, сифатли омухта ем ва бошқа ширалли озуқа турлари, зооветеринария ва бошқа зарур сервис хизмати кўрсатадиган инфратузилмалар тармогининг кенгайтишига замин яратди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига кириштириб, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъ-

тижорат банклари томонидан имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиб-қоидаларига амал қилган ҳолда филиалимизга мурожаат қилаётган фуқароларга зарур миқдорда кредит бераёلمиз. Булар асосан Президент қароридеги қўрсатилганидек, қорамол сотиб олиш учун ажратилган мақсадли ҳамда имтиёзли яъни 4 ва 14 фоизли кредит маблағларидир. Шу кунгача тумандаги тўққизта қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидеги Дўстобод шах-



чи Кундузой Тураева, Тўрақул Илёсов, Гулдон Абдураҳмонова, Гулчечра Нурбоева, Дўстобод шаҳрида яшовчи Муҳаббат Алимова, Галия Исоқова филиалимиз томонидан ҳар бирларига 750 минг сўмдан ажратилган имтиёзли мақсадли кредит маблағларига қорамол харид қилишиб, рўзгорларини яхшилаш учун қўшимча даромад манбаига эга бўлдилар.

Умуман, бандлик жамғармаси маблағларидан фойдаланиш мақсадида жами 100 нафар фуқаро 4 фоизли имтиёзли мақсадли микрокредит ажратиши сўраб филиалимизга ариза билан мурожаат қилган эди. Шулардан 21 нафарининг илтимоси қондирилди. Қолганлари навбатда турибди. Шунингдек, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан кредит ажратиши сўраб мурожаат қилган 48 фуқародан 34 нафарининг аризаси қаноатлантирилди.

Сўхбатни «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Абдусамид Йўлдошев эзиб олди.

# ҲАМ ИМТИЁЗЛИ, ҲАМ МАҚСАДЛИ КРЕДИТ

миноти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Президент қароридеги республика тижорат банклари ҳимоясига ҳам аниқ вазифалар юклатилган. Жумладан, фуқароларга улар яшаб турган маҳалла кўмиталари кафилигида имтиёзли мақсадли микрокредитлар ажратиши аниқ белгилаб қўйилган.

Хусусан, биз иш билан таъминлашга қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига қорачиликни ривожлантириш учун

рининг бешта маҳалласида истиқомат қилувчи шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига ана шундай имтиёзли мақсадли микрокредитлар берилди.

Маълумки, Президент қарорига мувофиқ 2006-2010 йиллар давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамолларни қўлайтириши рағбатлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унда зотдор, сермахсул қорамолларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларига аукционлар орқали сотиш назарда тутилган. Таъқидлаш жоизки, айрим камхараж оилаларнинг бундай аукцион савдоларда қатнашиш

имкони бўлмаслиги мумкин. Шунини ҳисобга олиб, биз кам таъминланган оилаларга ҳам микрокредитлар ажратишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Масалан, 2006 йилда 4 миллион сўм 4 фоизли микрокредит ажратиш режалаштирилган бўлса, амалда 21 та кам таъминланган оилага 15 миллион 600 минг сўм кредит берилди. Шунингдек, режадаги 13,3 миллион сўм 14 фоизли кредит маблағи ўрнига 34 та кам таъминланган оилага 26,9 миллион сўм микрокредит ажратилди.

Тошовул, Майдонтол, Қўрғончи, Кетмонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида истиқомат қилув-

## Касаначилик



# НОЗИК ҚЎЛЛАР СЕҲРИ

Касбига содиқ бўлиб, уни бир умр улуғлаб яшайдиган инсонлар асло кам бўлмайдилар, жамоада ҳам, жамиятда ҳам муносиб обрў-эътибор, иззат-икром топадилар. Одатда, бундайларни «Касбидан барака топган инсон», дея алқашади.

Бўстонликлик Гавҳар Жуманова кўп йиллардан бери ёшларга таълим-тарбия бериб, ҳунар ўргатиб келаётган моҳир педагоглардан. У тумандаги 125-вилоят махсус мактаб-интернатда ёш авлод тарбияси билан банд. Айтиш мумкинки, тарбияланувчилар билан ишлаш, ҳар кун уларни нимадандир воқиф этиш, ҳаётга тайёрлаш, касбига интилиш урғатини жонли дили, умрининг мазмунига айланган.

Гавҳар Жуманова асли меҳнат ўқитувчиси. Бу касанда тарбия олаётган қизларга аънанавий тикувчилик, каштанчилик каби ўйнаишларда сабоқ бериб, нозик касбининг ўзига хос сир-асрорларини ўргатади. Шунингдек, уларни ҳаётга тайёрлаш, ҳунарли қилиш, кундалик турмуш талаб этадиган кўникмаларни эгаллашларига қўмаклашиш асосий мақсади ҳисобланади. Бу даргоҳ-

манованинг дарс услуби бутун туман таълим тизими даргоҳларида кенг жорий қилинган. У бошқараётган «Юмшоқ ўйинчоқлар», каштанчилик тўғрақлари кўпчилик ўқувчиларни қамраб олган. Мураббий туманда ўтказилаётган аънанавий «Ёшлар форуми» ва «Йил ўқитувчиси» қўриқ-танловларида иштирок этиб, қатор совринни ўринларни эгаллаб келаяпти.

Гавҳар Жуманованинг ёшлар таълим-тарбиясига қўшаётган қамтарона ҳисса, ҳақиқий мураббийларга хос фидойилиги давлатимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик шоднелигини арафасида Президентимиз Фармониға мувофиқ, «Шуҳрат» медали билан муқофотланди.

Алишер РАҲМАТОВ.  
СУРАТДА.  
Гавҳар Жуманова бир гуруҳ шогирдлари билан навбатдаги амалий машғулот пайтида. Даврон АҲМАД олган сурат.

## Зулфия номидаги Давлат муқофотиға номзоғлар

# ДЕРАЗА ОЙНАСИДАГИ ЧИЗГИЛАР

Билимдон, зукко қизларимизнинг ёрқин истеъдодларини аниқлаш, иқтидорини чарчлаш мақсадида ташкил этилган Зулфия номидаги Давлат муқофотиға номзоғлар қўриқ-танлови салоҳиятли қизларни кашф этапти.

Ўз иқтидори, тиришқоқлиги билан танловнинг 2007 йилги республика босқичига йўлланма олган нафис санъат ошувчиси Нигора Розикова Тошкент туманидаги Наврўз маҳалласида яшайди. Аслида, ҳар қандай ота-она ўз фарзандини, айниқса, қиз болани ўқитувчи, тикувчи ёки шифокор бўлишини маълум қўради. Аммо қизалоғининг мурғак қалбига ниш ураётган эзулик куртаги Юлдузхонни ҳаяжонга солган.


Бир кун жажжи қўлчаларига сиёҳли қаламни тудди-ю, ойнага ўзи ёқтирган тасвирларни чиза бошлади. Унинг ҳаракатини кузатиб турган болалар тўпланди, ойнага тўшаётган тасвирни қизиқиб, завқланиб томоша қила бошлади.

— Бу қуёш, мана бу гуллар, бу эса онам, — деди қизалоқ кўзлари ёниб. Кўп ўтмай онаси Нигорага турли расмни китоблар, бўёк қаламлар олиб берди.

Ҳажжи рассомнинг нафис санъат оламидеги илк қадамлари шу тарихда бошланди. Мактабда устози Саодат Мансуровадан олган сабоқларини ота-онаси кўмағида Алишер Навоий номидаги нафис санъат лицейида давом эттириб, ўз фанининг билимдонни Абдураҳмон Норқобилов каби талабчан устозлардан рассомлик сирларини янада чуқурроқ ўзлаштирди. У энди халқроқ қўриқ-танловларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб бошлади. Айниқса, Ўзбекистон Бадийий академияси республика рассомлик коллежидеги ўқир экан, устози Обиджон Тошмухаммедовнинг маслаҳатлари, кўрсатмалари тўғрисида рассомнинг ҳаёти, унинг машаққатлари ҳақидаги тасаввур янада бойиб, ўзига хос йўналишда шаклланди. У устозларининг «Рассом бўлиш учун қаламнинг қулига айланиб қолиш эмас, балки мўйлақамни ўз ичига иштириб қолиш керак», деган фикрларини шпор қилиб, тинимсиз изланди.

— Мен учун ҳаётнинг ҳар лаҳзаси ижод майдонига ўхшайди, — дейди Нигора. — Гуё кимдир: «Қўлига қалам ол, тасаввурингни тезроқ қозоғга тушир» дегандек бўлаверди. Йил фасллари, улардаги ажойиб манзаралар аввал ҳаёлимда қизилди. Қўпроқ қўз фаслини тасвирлашни ёқтирдим. У менга ҳаётда ҳамма нарсагини ёқтириб бўлганидек, интихоси ҳам бўлишини эслатиб туради. Ахир, ўзингиз ўйланг, илк баҳорда анвойи гулларга бурканиб, ёзда мева туккан, қўрган кишининг ҳаваси, завқини келтирган дархат қўзда меваларини кимгадир тортиқ қилади, ям-яшил барглари сарғайиб, ҳазонга айланади. Бу манзаралар менга ҳар бир дақиқа ганимат эканлигини эслатиб туради.

Ҳақиқатан ҳам, ёш рассом ижодида она-табиат тасвирларига кенг ўрин берилган. Нигоранинг тиришқоқлиги, тиниб-тинчимаслиги кўпларнинг



эътиборига тушган. Шунинг учун бўлса керак, ҳали коллежнинг 3-босқичида ўқиётганидаёқ шахар ўқувчилар ижодиёти марказининг расм тўғрағига раҳбарлик қилди. Бундан ташқари маҳалласида ташкил этилган «Ранглар жилиси» уй тўғрағида иқтидорли болаларга расм чизиш сирларини ўргатиб келди.

Коллежни тугатиш арафасида тарихий жанрда ҳам ўзини синов кўрмоқчи бўлган Нигора «Самарқанд бозорига кириш» номли асарини яратди ва у мухтаassisлар томонидан аъло баҳоланди.

Халқимизда «Интиланган толе ёр» деган нақл бор. Ёш рассом қизнинг ижод йўлидаги заҳматли меҳнатлари беиз кетмади. Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида Ўзбекистон Бадийий академияси Камолитдин Бехоз номидаги Миллий рассомлик ва дизайн олий билим юртининг талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлди. Айниқса, Ўзбекистон тасвирий санъатининг даргалари — Ўзбекистон халқ рассомлари Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Акмал Нуритдиновлар устозонасидан баҳраманд бўлиш имконияти Нигора ижодида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу кунгача иқтидорли ёш рассом Нигора Розикова нафақат Ўзбекистонда, балки Корея, Россия, Эстония, Ҳиндистон, Миср ва АҚШ каби чет давлатларда бўлиб ўтган танловларда ўз ижоди намуналарини билан муваффақиятли иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Қисқаси, изланувчан, меҳнатсевар, говийий-бадийий етуқ, ўзига хос дунёқарашли, ҳаёт воқелиқларига теран муносабатда бўла оладиган ноёб истеъдод соҳибаси Нигора Розикова келажакда Ўзбекистон санъатини, маданиятини дунёга танитадиган таниқли рассом бўлиб етишишига шубҳа йўқ.

Сайёра РИХСИЕВА,  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТДА.  
ёш рассом Нигора Розикова устози Комилжон Мансуров билан иш устида.

## УТРЕХТДАГИ ТАҚДИМОТ

Сўнгги йилларда Бенилюкс мамлакатлари — Бельгия, Нидерландия ва Люксембург фуқаролари томонидан Ўзбекистонга бўлган қизиқиш сезиларли даражада ортиб бормоқда. Ушбу давлатларда ҳар йили аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган кургуз-малар ҳам бундан далолат беради.

Яқинда Голландиянинг Утрехт шаҳрида «Vacantiebeurs-2007» 36-халқаро сайёҳлик кургуз-маси бўлиб ўтди. 200 миңдан зиёд меҳмон ташриф буорган тадбирда 80 дан ортиқ мамлакатнинг 200 дан кўпроқ сайёҳлик компанияси иштирок этди. Голландиянинг тўртта йирик сайёҳлик компанияси — «Djoser», «Passaat Verre Reizen», «Baobab Reizen» ва «Asia Travel» вакиллари томонидан тақдим этилган Ўзбекистон бўлими «Vacantiebeurs-2007» таширифи буорганларда катта қизиқиш уйғотди.

«Djoser» компанияси президенти Херман Ван дер Вельде ва «Passaat Verre Reizen» компанияси вакили Д.Ремезваал «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан сўхбатда Ўзбекистондаги ноёб меъморчилик ёдгорлиқлари ҳамда юртимизнинг сайёҳлик инфратузилмаси тобора ривожланиб бораётгани тўғрисида мамлакатимизга ташрифи буюриш истағида бўлган голландиялик сайёҳлар сони мунтазам ўсиб бораётганини қайд этди.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 8 columns: DUŠANBA 22, SEŠANBA 23, ČORŠANBA 24, LAJŠANBA 25, ŽUMA 26, ŠANBA 27, YAҚŠANBA 28. Each column contains a list of TV programs, times, and channel names like Ўзбекистон 1TV, ЁШЛАР, TOŠKENT, СПОРТ.

Хўрматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2007 йил 20 февраль куни соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси савдолар залида бошлангич баҳоси бошқичма-бошқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ. Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ангрэн шаҳридаги (Красногорск қўрғони) ўрни бўш бўлган 3-сонли давлат нотариал идора нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

# ВАТАН ШАРАФИНИ УЛУҒЛАЁТГАНЛАР

киллари ҳам доғда қолдирган бунинг яқол далилидир.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг энг кўп — учта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалга эришган, минглаб мухлисларига эмас, ҳатто рақиблари олқишига ҳам сазовор бўлган барчаимизни гурунландиради.

Хар бир ота-она ўз фарзандларини Ватанимиз шарафини улуглайдиган, спорт, фан, санъат каби соҳаларда бетимсол ютуқларни қўлга киритадиган юртимиз вакиллари бўлиб камолга етишишчи оруз қилади. Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари каби нуфузли мусобақаларда давлатимиз байроғини баланд кўтарган спортчиларимизнинг ютуқлари минглаб ёшларимиз учун ибрат бўлади.

— Ватанимиз муқтадирликка эришсач, спортчиларимиз халққаро майдонларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, — деди ХУ ёғи Осие ўйинлари чемпиони Севара Ғаниева. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантиришга

алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун чекка қишлоқлардаги болалар учун ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилиб, уларда спорт билан мунтазам шугулланиш учун шароитлар яратилган. Биз, спортчилар давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликни ҳар қадамда ҳис қилиб туришимиз. Нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграётгани кўрсатилаётган ана шу эътиборнинг шарофатидандир.

— 2007 йил ҳам спортчилар учун анча масъулиятли давр бўлади, — деди А. Таймазов. — Чунки биз келаси йили Хитой пойтахти Пекин шаҳри мезбонлик қиладиган навбатдаги ёғи Олимпиада ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шайни ҳимоя қиламиз. Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик жавобан биз навбатдаги Олимпиададан ҳам юртимизга

эҳур юз билан қайтишга ваъда берамиз.

— Эр йигит йиғламайди, — деди Дилшод Мансуров. — Лекин, мусобақаларда эришган галабам шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида, ҳар гал кўларим беихтиёр ёшга тўлади. Бу кувонч ва фخر ёшларидир. Президентимиз Ислам Каримовнинг биз, спортчиларга қаратаётган бугунгидек улкан эътибори Пекин Олимпиадасида ҳам галабаларимиз кўп бўлишига замин яратади.

Муқофотланганлар номидан сўзга чиққан бошқа спортчилар — дзюдочи Абдулла Тангриев, боксчи Рустам Саидов ва бошқалардан мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган эътибори учун сиймий миннатдорлик билдириб, бундай ғамхўрликка жавобан келгуси мусобақаларда ҳам давлатимиз байроғини сарбаланд этишларини алоҳида таъкидлади.

Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН - ОСИЁДА УЧИНЧИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида жойлашган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА дунёдаги икки юздан зиёд мамлакат терма жамоаларининг январь ойидаги янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

Маъқур рейтинг жадвалида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўзини сақлаб қолди ва яна бир бор 45-поғонада

қайд этилди. Мамлакатимиз бош жамоаси Осиеда Эрон ва Австраладан сўнг, Муқтадил Давлатлар Ҳамдўстлиги

(МДХ) мамлакатлари орасида Украина ва Россиядан кейин учинчи поғонада жойлашган.

Рўйхатнинг биринчи поғонасини беш қарра жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси эгаллаб турибди. Шунингдек, амалдаги жаҳон чемпиони — Италия ҳамда Аргентина терма жамоалари ҳам кучли урликдан жой олган.

ЎЗА.

## Қилмиш-қудурмиш

### МИС ЎҒРИСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Кирадиган уйининг эшигини қаттиқ ёпма, деган гап бор. Бироқ, Бекободлик И. Ёдгор ўзи ишлаётган «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бунёдкорлигининг электр-ремонт цехидан умумий нархи 2 миллион 197 миң сўмдан зиёд мис ўтказгичларни ўғирлаб кетди. Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари олиб борган тезкор чоратadbирлар натижасида бу жиноят фож этилди. Бунда кичик инспектор С. Мирзаяев «Рекс» лақабли хизмат ити билан фаол қатнашди.

### «ДИК»НИНГ ЁРДАМИ ҚЎЛ КЕЛДИ

Янгиёул тумани ички ишлар бўлими ходимлари гиёҳванд моддасини сақлаётган шахсни қўлга олишди.

«Тозалаш» тадбири жараёнида Шўралисой қишлоғининг Ҳўжабод маҳалласида яшовчи В. Абрамининг уйи хонислар иштирокида кўздан кечирилди. «Дик» лақабли хизмат ити ёрдмида 103,3 грамм марихуана гиёҳвандлик моддаси яшириб қўйилган жойидан топиб олинди.

### БОЖХОНАНИ ЧЕТЛАБ ЎТОЛМАДИ

Тошкент тумани ички ишлар бўлими ходимлари Ф. Умаров номли ширкат ҳўжалиги худудидида айланма йўлда Тошкент шаҳри томон келаётган Ю. Муслиманни тўхташди. Унинг сумкаси текширувдан ўтказилганда, у божхона назоратини четлаб, Қозғоқiston Республикасидан 100 қўти «Д», 100 қўти «Парламент», 50 қўти «Собрание» сигаретларини олиб келаётганини аниқлади.

Ҳозир бу ҳолатлар бўйича суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

## Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида япон фотоустаси ва рассоми Йосуке Ито фотоасарлари кўргазмаси давом этмоқда.

### ЯПОН ФОТОУСТАСИ ТОШКЕНТДА

Муқтадиллик йилларида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги сиёсий, иқтисодий алоқалар янада ривожланиш бошқача кўриб боришга имконият яратди. Бунда ҳар икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб қолдирилмоқда. Дўстлик ва ҳамжўхлиқни ривожлантириш мустақамлашида маданий-маърифий алоқаларини ҳам ўзига ҳос ўрни бор, албатта. Ҳар икки мамлакат санъаткорлари иштирокидаги концертлар, ўзбек муаввирлари, халқ амалии санъати ус-

таларининг Японияда ўтказилган халққаро кўргазма, фестивал ҳамда кўрик-танловлардаги муваффақиятли иштироки бунинг ёрқин далилларидир.

Япониялик фотоуста ижодида бағишланган кўргазма «Кино» деб номланса-да, унда намойиш этилаётган элликдан ортиқ фотосарасида кунчиқар мамлакатнинг маданияти ва санъати, миллий ўрф-одатлари, анъаналари билан ақиндан танишиш мумкин.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

## Аждоглар ҳақида ҳикоялар КЎРҚУТ ОТАНИНГ НАҒМАСИ

Гўрўли, Алломиси каби туркий халқларга тегишли миллий қаҳрамонларни яхши биласиз. Кўрқут ота ҳам ана шундай халқ даҳоси яратган афсонавий зотлардан бири. Унинг сарғушазтарли, элига қолдирган ҳикматлари неча минг йиллардики, дилдан-дилга кўчиб келади. Кўрқут отани кўбиз ва сибизга ихтиросчи ҳам дейдилар. Эътиборингизга Кўрқут отаниннг сўнги кўнлари ҳақидаги ҳикояни ҳамда унинг айрим ҳикматли сўзларини ҳавола этамиз.

Кўрқут отаниннг жонини олгани алақачон Азриил таширф буюрган эди. Аммо у ҳам нафис кўйга ошурта бўлиб, бир четда бош эгиб ўтирарди.

Ва, ният, Кўрқут ота холдан тоиди. Кўбизни ҳам ёрилиб кетиш даражасига етди. У кўбинини ёнига қўйди. Жисми жони олов бўлиб ёнарди. Беихтиёр кўзи илинди. Кўбиз товуши тингча, қушлар яна хонисларини

бошладилар, жониворлар тагин ўтлоққа энгашди, чорикорлар риз-рўз гамида ер чопишга тушдилар.

Азриил ҳам сесканиб, кўзларини очди. Бу ерга не учун келгани эсига тушди. Бирдан илҳом қиёфасига кирди ва Кўрқут отаниннг жон қушини қўлга кўндириб, Арши аъло сари парвоз этди.

Саъдулла СИЁЕВ.

### КЎРҚУТ ОТА ҲИҚМАТЛАРИ

- Ҳақни ҳақ демагунча, ишлар ўнгмас.
- Бойлик йиққан Қорабоғ тепасидан йиғар, аммо ортинги ея билмас.
- Уралашиб сувлар тошса ҳам денгиз бўлмас.
- Тақабурлик айлаганни ҳеч ким севмас.
- Еса-ёга қорлар ёгса, ёзга қолмас, Илк майсалар, кўк чаманлар қузга қолмас.
- Ўғил отаниннг сиридир, икки кўзининг бирдир.
- Асов отга номард йигит мина билмас, Минганидан минмагани яхшироқ.
- Кўноқ кўнмас қора уйлар йиқилгани яхшироқ, От эмас аччиқ ўтлар битганидан битмагани афзалроқ.
- Ёлгон сўзининг бу дунёда бўлганидан бўлмагани созроқ.
- Йигит огирин от билар, юк огирин ҳаҷир билар.
- Қаери огришини бемор билур, Ғофил бошининг азобини идрок билур.

## КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ КЎРГАЗМАСИ

Компьютер графикаси — тасвирий санъатнинг янги ва айна пайтада тобора ривожланиб бораётган йўналишларидан. Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида санъатнинг ана шу турига бағишланган кўргазма очилди.

Пойтахтимизда илк марта тақийл этилган ушбу кўргазма мунаввир нафақат мўйқалам, балки компьютер воситасида ҳам ўз истеъдоди, ижодий салоҳиятини кенг намойиш этиши мумкинлигини кўрсатди.

Расом Владимир Луневнинг кўргазмадан ўрин олган ишлари рангларининг ёрқинлиги, тасвирийннг бетакорлиги билан ажралиб турса, Ақром Баҳромов компьютер графикасини плакат ҳамда рангтаъбир услубидаги ижодий ишларида маҳорат билан қўллашга муваффақ бўлган. Николай Попов эса,

электрон техника имкониятларини Шарқ миниатюраси билан уйғунлаштира олган. Бу ерда, шунингдек, Ғайрат Иброҳимов, Радик Азизов, Элдор Зокиров, Вячеслав Муромцев, Артём Дадонов сингари расомларнинг компьютер графикаси йўналишидаги ранг-баранг ишлари билан атрофида танишиш мумкин.

Кўргазмадаги аксарият ишлар плакатлар, буклетлар, тақвимлар ва бошқа матбаа маҳсулотлари тарзида ҳам намойиш этилмоқда.

ЎЗА.

## Шундан кейин

### ЯРИМ ЗАВОД — ВАЙРОНА



Ички портлатгич билан тўла автомобилнинг портлаши натижасида Колумбиянинг жанубий худудида жойлашган, Nestle компаниясига қарашли заводнинг ярми вайронга айланди.

### ШАҲАРЛАРГА, НАЖОТ ИЗЛАБ

Австрия шаҳарларига захарли илонлар босиб келмоқда. Судралиб юрвчилар сув излаб, қурғоқчилик ва саногий йўқ ўрмон ёнғинларидан қочиб, одамлар истикомат қилаётган жойларга ўрмалашаяпти. Баъзи маълумотларга кўра урта, бошқалари буйича битта одам жаҳондаги энг захри ўткир кўнғир илон қақишидан халок бўлган. Ҳукумат фуқароларни эҳтиёт бўлишга чоралапти.

### ЮК МАНЗИЛГА ЕТИБ БОРМАДИ

Францияда 356 килограмм героин қўлга олинди. Баҳоси 10 миллион евродан ортиқ деб чамаланаётган бу юк Дюнкерк шаҳри портида тинчланган юк машинасидан топилиди. Туркия давлат рақамига эга бу машинани Буюк Британияга отланаётган паромга ортишмоқда эди. Транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳибсга олинди, сўроқ қилинмоқда.

### ОҒИР КОФЕ ОСТИДА

Марказий Американинг даладаридидаги омборлардан бирининг девори ағдарилиши оқибатида олти нафар гондураслик халок бўлди. Қутқарувчилар жонбозлиги тўғйили нобуд бўлганлардан бештасининг жасадлар тез топилди. Мудҳиш воқеа боис қўлгина ишчилар тан жароҳатлари олишгани маълум қилинмоқда. Гондурасда ҳосил терими маъсуми қизгин давом этмоқда.

ЎЗА.

**Об-ҳаво**  
Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 20 январь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган. Кечурун ва эрталаб туман тушади. Ғарбдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-7 даража совуқ, кундузи 3-5 даража илқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган, айрим жойларга туман тушади. Ғарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Рустамжон Ғойповга онаси **НАЗИРА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия изҳор этди.

**Тошкент вилояти**  
Матбуот ва ахборот бошқармасида **03-001** рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғйрилиги учун реклама ва эълон берувчилар маъсўлдир.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир  
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:  
**136-53-09.**  
Эълонлар: **133-90-82, 136-53-54.**

**Манзилимиз:**  
**700000,**  
Тошкент шаҳри,  
**Матбуотчилар кўчаси, 32.**